

**ТИЛ, АДАБИЁТ, ТАРЖИМА, АДАБИЙ
ТАНҚИДЧИЛИК ХАЛҚАРО ИЛМИЙ
ФОРУМИ: ЗАМОНАВИЙ
ЁНДАШУВЛАР ВА ИСТИҚБОЛЛАР**
халқаро илмий-амалий анжумани

2021 йил 26-27 март



Бухоро

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта
махсус таълим вазирлиги
Бухоро давлат университети**



**Тил, адабиёт, таржима, адабий танқидчилик
халқаро илмий форуми: замонавий ёндашувлар
ва истиқболлар**

**мавзусидаги халқаро илмий-амалий анжуман
материаллари
ТЎПЛАМИ**

Бухоро – 2021

ГРАФИК ВОСИТАЛАРДА КОННОТАТИВ МАЪНОНИНГ ИФОДАЛАНИШИ

Хайдаров Анвар Аскаревич
БухДУ ф.ф.н., доцент

Abstract. This article analyzes graphic stylistic devices and their connotational meaning in English and Uzbek languages.

Калит сўзлар: phonostylistics, connotation, stylistic devices, graphic stylistics, punctuation.

Кириш. График стилистика экспрессив воситаларнинг оғзаки нутқда интонация ва урғу орқали ифодаланган ҳиссиётларни ёзма шаклда ифодалашдан иборат. Бадиий адабиётда графостилистик воситалардан фойдаланиш муаллиф стратегиясининг имкониятларини намоён этишидир. Инглиз адабиётида фонографик услубий воситалардан Л.Ф. Баум, Л. Кэрролл, А.А. Милн, Д. Гёрбер, Р. Дал ўзларининг классик асарларида кенг фойдаланганлар.

Асосий қисм. Рус тилшунослигида Л.И. Еремина тилда графостилистик воситалар кенг қамровли эканлигини қайд қилиб, куйидагиларни ёзади: “Бадиий нутқда сўзлардаги унли ва ундош ҳарфларни қоидага зид равишда турли шаклларда ёзиш, бир ўринда бир тиниш белгисининг бирдан ортиқ қўллаш, шунингдек, бошқа турли ишоравий белгилардан фойдаланиш муҳим услубий аҳамиятга эгадир”. Ўзбек тилшунослигида фонографик услубий воситалар тил тадқиқотчиси Г. Яхшиеванинг номзодлик диссертациясида батафсил ёритилган.

Фонографик услубият, деб ёзади олима талаффузнинг услубий имконият ва хусусиятларини ёзма нутқда акс эттириш, йўл ва усулларини, шунингдек ёзма нутқнинг график (имловий) услубий имконият ва хусусиятларини диалектик бирликда ўрганувчи ва ўргатувчи умумий услубиятнинг бир бўлимидир. График ўзгаришлар нафақат талаффузнинг ўзига хос хусусиятларини акс эттиради, балки урғу берилган сўзларни таъкидлаб, таъкиднинг интенсивлигини ифодалаш учун ҳам ишлатилади. Соф график воситаларга матн бўлақларини абзац билан ёзиш, ҳарфларни бош ва кичик ёзиш, турли катталиқда ёзилган ҳарфларни ишлатиш, айрим сўз ва матн бўлақларини курсив билан ёзиш, шеърятда шеър қаторларини поғоналаб ёзиш, шеър қаторларидан бирини тушириб қолдириш, унинг ўрнида қатор нукталар ёзиш, матнда турли тиниш белгиларидан услубий мақсадда фойдаланиш киради.

Энди ушбу график воситаларнинг айримлари ҳақида фикр юритамиз. График стилистик воситалардан энг самаралиси сўзларни курсив билан ёзишидир. Кўпинча эпиграф, прозаик асарлар, цитата, бошқа тиллардан ўзлашган сўзлар, бадиий асарларнинг номи курсив билан ёзилади ва у ўша сўзларни алоҳида муҳим аҳамият касб этишини кўрсатади. Асарларда

инглиз тили ёрдамчи сўзлари, ёрдамчи феъллар, олмошлар кўпинча курсив билан ёзилади. Масалан:

-“Bella!”

-“Yes. Master John”

-“Do let’s have tea, under the oak tree when they came; I *know*, they’d like it best.

Ушбу соҳада фикр юритилганда албатта поэтизмларга ҳам эътибор қаратиш лозим. “Бадиий нутқда айрим поэтизмларнинг ёзилиши турли график шаклларда ифодаланиши мумкин. Поэтизм бадиий матнда ҳар қандай ном эмас, балки ижодкор бадиий ниятини ёритишга хизмат қилган номдир.

График воситалар асосан пунктуацияда ифодаланади. Пунктуация муаллиф ва сўзловчи орасидаги муносабатни ифодалашда ишлатилади ҳамда эмотив характерни кўрсатади. Пунктуация нутқнинг ритмик-мелодик жиҳатдан ёритади. Тиниш белгиларининг услубий хусусиятлари ҳақида айрим маълумотлар К. Назаров томонидан қайд қилинган. Жумладан, бир хил тиниш белгиларининг кетма-кет бир ўринда қўш қўлланиши гап мазмунига қўшимча янги мазмун юклашини кўрсатади.

Сўроқ ва ундов белгилари асосан гап охирида қўйилиб, муҳим услубий вазифа бажаради. Буни қуйидаги мисолда яққол кўриш мумкин:

George: (savagely) That’s good! Oh, yes! And what about you?

Ruth: (off her balance) What about me?

График воситаларни ифодалашда тиренинг ҳам аҳамияти катта, у эмоционал жиҳатдан паузани ифодалашда ишлатилади. Эмоционал пауза баъзан кўп нуқта орқали ҳам ифодаланиши мумкин:

Масалан: You’d try, I know you’d try. Perhaps ... But he had no idea himself how that sentence was supported to finish. (G. Greene. The Heart of the Matter).

Шеърий мисраларни поғоналаб ёзиш паузали ҳолатни юзага келтиради, бунда поғоналаб ёзилган шеърий мисралар вергул билан ажратилади. Ўзбек шеъриятида хассос шоир Ҳамид Олимжоннинг “Бахтлар водийси” шеъри шундай поғоналаб ёзилган мисралар билан бошланади. Бунда шоир ўз ғоясини теран англашиш, ўқувчининг кўз ўнгида мадҳ этилаётган образни тўлиқ гавдалантириш учун кўпинча интонация ва ритмик поғоналар танлайди.

Кўм-кўк,

кўм-кўк,

кўм-кўк

Кўклам қуёшидан кўкарган қирлар

Пўлат яғрипларни кўтарган ерлар

кўм-кўк! (Ҳ. Олимжон)

Кўринадики, шеър мисраларини поғоналаб ёзиш орқали шоир ўқувчининг юрагини ўз руҳига мослаштириб, мафтун этади.

График услубий воситалардан яна бири абзацдир.

-“Матни ўқиш пайтида ҳар бир абзац узоқ пауза билан ажратилади. Ана шу ажратувчи пауза олдинги абзацдаги фикрга қандайдир яқун ясайди ва янги абзацга ўтишга тайёрлайди. Ҳар бир абзац услубий-матний вазифа бажаради. Нимага урғу берилмаётганликни, далилларни умумлаштиради ёки алоҳида гуруҳларга ажратишга ёрдам беради.” -деб ёзади Э. Қиличев.

Масалан:

-“Darling, what is it? Has he insulted you again?”

График услубий воситалардан яна бири сўзларни бош ҳарф билан ёзишдир. Бутун бошли сўзлар бош ҳарфда ёзилиши мумкин ва улар алоҳида эмоция ёки баланд товушда ўқилади.

Масалан: And there was dead silence

Till at last came the whisper “I didn’t kill Henry. NO, NO! Henry surely you cannot blame me. I loved you dearest. (D.H. Laurence. “The Lovely Lady”)

Ўзбек тилининг турли жанрларида ҳам ёзилган асарларда ҳам график услубий воситаларидан бири бўлган бош (катта) ҳарфлар билан ёзилган турли сўз ва иборалар учрайди. Улар, асосан тасвирга китобхон диққатини тортиш, турли ҳис-ҳаяжонларни уйғотиш учун хизмат қилади.

Хулоса. Шундай қилиб, график ўзгаришлар нафақат талаффузнинг ўзига хос хусусиятларини акс эттиради, балки урғу берилган сўзларни таъкидлаш, таъкиднинг интенсивлигини ифодалаш учун ишлатилади. График воситалар сўзларни курсив билан ёзилиши, сўзларни бош ҳарфлар билан атайлаб ёзилиши, асосий эътибор қаратилган нутқ парчасини кўштирноққа олиб ёзилиши, қавсга олиш, вергул, сўроқ белгиси ёки ундов белгисини кўйиш, чизикча билан сўзларни ёзиш муҳим услубий вазифа бажаради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Biggs N.L. The Roots of Combinatorics// Historia Mathematica 6, 1979, – 109-136 pp.
2. Nilufar Ulmasovna Ochilova, Mehrinigor Bahodirovna Ahmedova. Reflections on Horse in Uzbek Prose.- Theoretical and Applied Science, 10 issue, 2019. - p. 86-88.
3. D. The Z. Rajabov1, T. A. Rajabov2, M. M. Rakhimov2. Transferring of Meaning in the Modern
4. Uzbek Poetry: Metaphors and Synecdoche. International Journal of Trend in Scientific Research and Development (IJTSRD)
5. Special Issue on Modern Trends in Scientific Research and Development, Case of Asia
6. Available Online: www.ijtsrd.com e-ISSN: 2456 – 6470
13. Rakhimov Muzaffar Muradovich. Methods in cognitive linguistics. International Journal on Integrated Education. Volume 3, Issue II, Feb 2020, pp. 34-36

7. GAFUROVNA, Ruzimurodova Zarifa. Translation Theory: Object of Research and Methods of Analysis. **International Journal of Progressive Sciences and Technologies**, [S.l.], v. 24, n. 2, p. 35-40, jan. 2021. ISSN 2509-0119.
8. Usmonova M. A, THE SIGNIFICANCE OF THE STYLISTIC DEVICES IN LITERARY WORKS (NOAH GORDON'S "THE PHYSICIAN") , **International Engineering Journal For Research & Development: Vol. 5 No. 7 (2020): VOLUME 5 ISSUE 7**
9. • <https://doi.org/10.17605/OSF.IO/TDKHJ>

COMMON AND DIFFERENT ASPECTS IN A SET OF COMMENTARIES IN DICTIONARIES AND SEMANTIC TAGS

Akhmedova Dildora Bakhodirovna

A teacher, BSU

Hamidova Iroda Olimovna

A student, BSU

Annotation: *This article discusses dictionaries that can be a source of information for the language corpus, the structure of the dictionary commentary, and the possibilities of this information in tagging corpus units.*

Key words: *corpus linguistics, lexicography, lexical units, semantic tagging, annotated dictionary, general vocabulary, limited vocabulary, illustrative example.*

I. Introduction

Corpus linguistics is closely related to lexicography because the linguistic unit in the dictionary, whose interpretation serves as a linguo-lexicographic supply for tagging corpus units. Digitization of the text of existing dictionaries in the Uzbek language is the first step in linking the dictionary with the corpus. Uzbek lexicography has come a long way, has a rich treasure that serves as a material for the corps.

According to Professor E. Begmatov, systematicity in the lexicon is not as obvious as in other levels of language. Lexical units are more numerous than phonemes, morphemes in terms of quantity, and have the property of periodic instability. Therefore, it is not possible to identify and study the lexicon on a scale. Today, world linguistics has begun to solve this problem with the help of language corpora and has already achieved results. Qualitative and quantitative inventory of vocabulary, the possibility of comprehensive research has expanded.

The main source for semantic tagging of language units is the explanatory dictionary of the Uzbek language. The dictionary contains more than 80,000 words and phrases in modern Uzbek literary language, terms related to science, technology, art and culture, words used in several dialects, some historical and obsolete terms. The practical application of the words given in the dictionary is

Зарипов Б.К. Тил – маънавий кўзгуси	3
Хамидов О.Х. Тил – миллат руҳи: тилга оид анжуманларнинг ўрни ва ахамияти.....	5
Ҳамраев М.М. Ўзбек тилида иш юритиш хизмати борасидаги муаммо ва ютуқлар	8
Ибрагимова Ф.Б. Учинчи ренессансга қўйилаётган қадамлар илм-фан ютуқлари тимсолида.....	10
Қаҳҳоров О.С. Чет тилларини янада мукамал ўрганиш устувор йўналишидир.....	
 І ШЎЪБА. ХОРИЖИЙ ТИЛЛАРНИ ЎҚИТИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ ЁНДАШУВЛАРИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ. КОРПУС ЛИНГВИСТИКАСИ МАСАЛАЛАРИ. МЕДИАЛИНГВИСТИКА ВА ЛИНГВИСТИК ТАДҚИҚОТЛАР	
Жўраева М.М. Тилшуносликда модаллик категориясининг функционал-семантик тадқиқи.....	21
Тешабаева Дилфуза Муминовна. Медиалингвистика: медиаматн яратилишида прагматик ёндошув.....	21
Б.Я.Ахмедов. Об изучении глагольных словосочетаний в узбекской школе.....	26
Акмал Шерназаров. Икки тиллилик – Қашқадарё тожик фольклорининг локал белгиларидан бири.....	30
Атабоев Нозимжон. Корпус лингвистикасининг фанлараро мақомига илмий назар.....	33
Эрмирзаев Аббос Вахобжонович. Юқори синфлар ўқувчиларига инглиз тили дарсларида матн ўқишни ўргатишнинг мақсад ва вазифалари.....	37
Ҳайдаров Анвар Аскарлович. График воситаларда коннотатив маънонинг ифодаланиши	41
Akhmedova Dildora Bakhodirovna, Hamidova Iroda Olimovna. Common and different aspects in a set of commentaries in dictionaries and semantic tags	44
Джураева Зулхумор Раджабовна. Партитивные фитонимы в пословичном фонде русского языка.....	48
Шаҳодат Усмонова. Медиаматнда антистандарт ва антиэкспрессивлик формуласи: дискурсив таҳлил	52
Исмаилова Лайло Хондамировна. Туристтик рекламанинг прагматик жиҳатдан таҳлилий хусусиятларига доир	56
Zubaydullo I. Rasulov. Approaches to the Study of Language and the Implications for Teaching a Second Language and Teaching Literacy	62
Заррина Сафармахматова. Паремиология медиа тилининг таъсирчанлигини оширувчи восита сифатида	64